

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.003.3 (575.1)

Ризаев Нурбек Кадилович

**Номоддий активларнинг бухгалтерия
ҳисоби ва молиявий таҳлилини
тақомиллаштириш**

Ихтисослик: 08.00.08.-«Бухгалтерия ҳисоби,
иқтисодий таҳлил ва аудит»

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун бажарилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Их. № 01396
«05» 10. 2004 г.

ТОШКЕНТ-2004

657(043.3)

p-51

Диссертация иши Тошкент Молия институтининг
«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

- иқтисод фанлари номзоди,
доц. Б.А. Хасанов

Расмий оппонентлар:

- иқтисод фанлари доктори,
А.К. Ибрагимов

- иқтисод фанлари номзоди,
доц. О.А. Машарипов

Етакчи ташкилот:

- Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Диссертация 2004 йил «30» октябрь соат «10»⁰⁰ да Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси қошидаги К.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини бериш буйича йиғилишида ҳимоя қилинади.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Х.Арипов кўчаси, 16.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йил «30» сентябрь да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди,
доцент



А.Усанов

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Кириш. Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган улкан иқтисодий ўзгаришларнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланган интеллектуал мулккий муносабатларни ривожлантириш ислохотларнинг асосий стратегик йўналиши қилиб белгиланган. Zero, мамлакатимиз Президентги И.А.Каримов таъкидлаганидек: «XXI аср-шиддаткор тезлик асри, ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ҳал қилувчи омилга айланаётган давр».¹

Шу муносабат билан мутлақо янги кўринишдаги: патент, лицензия, муаллифлик ҳуқуқи, “ноу-хау”, гудвилл, франшиза ва шу каби авваллари тадқиқ қилинмаган бухгалтерия ҳисобининг объектлари пайдо бўлди. Натижада, интеллектуал мулк таркибида номоддий активлар сифатида ҳисобга олинадиган ва таҳлил қилинадиган активларнинг моҳияти, иқтисодий мазмуни, уларни баҳолаш ва туркумлаш, аналитик ҳисобини юритиш, ҳисобот тузиш ва уларнинг самарадорлигини таҳлил этиш бўйича чуқур илмий изланишлар олиб бориш зарурати туғилди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш номоддий активларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш; номоддий активларни баҳолаш ва уларни туркумларга ажратиш; хўжалик юритувчи субъектларда номоддий активлар ҳисобини халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этиш ва юритиш; номоддий активлардан самарали фойдаланиш мақсадида уларнинг молиявий таҳлилини ўтказишни талаб қилади.

Республикамизда амал қилаётган қонунчилик ҳужжатларида номоддий активларнинг меъерий-ҳуқуқий асослари яратилган бўлсада, уларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлилини халқаро талаблар асосида ташкил этиш ва ривожлантириш зарурлиги кузатишмоқда.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, номоддий активларнинг умумий активлардаги салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Бу кўрсаткич «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида 2000 йилда 3,7 фоизни, 2001 йилда 4,1 фоизни, 2002 йилда эса 4,5 фоизни ташкил этган бўлса, «СамКочАвто» қўшма корхонасида эса мутаносиб равишда 11,0; 11,7 ва 11,9 фоизни ташкил этган². Ривожланган давлатларда номоддий активларнинг компаниялар мулкидаги улуши 35-40 фоизни ташкил этади.

Номоддий активлар миллий бухгалтерия ҳисоби тизимига оид янги иқтисодий категориялардан бўлганилиги, шунингдек, шу соҳага доир иқтисодий адабиётлар ва илмий тадқиқотларда уларнинг моҳияти назарий ҳамда амалий жиҳатдан тўлиқ ва чуқур ёритиб берилмаганлиги диссертациянинг долзарблиги ва илмий-тадқиқотнинг йўналишини белгилаб беради.

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари». Халқ сўзи, 2002 й. 30 август.

² Манба: «ЎзДЭУавто» ва «СамКочАвто» қўшма корхоналарининг йиллик молиявий ҳисобот маълумотлари.

Номоддий активларнинг ҳисобини юритиш ва уларни молиявий таҳлил қилиш муаммоларини ўрганишда хорижий иқтисодчи олимлардан Р.Энтони, М.Ван Бред, Ф.Вуд, Д.Стенворт, Б.Ниддз, Ж.Ришар, МДҲ иқтисодчи олимларидан: В.Паий, Е.Русаква, М.Астахов, Г.Соловьева, С.Пучкова, В.Безруких, А.Шеремет ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини алоҳида қайд этиш лозим.

Бу соҳада ўзбек олимларидан А.Жуманов, Н.Жўраев, М.Пардаев, А.Пардаев, М.Тўлахўжаева, А.Ибрагимов, А.Сотиводдиев, Ҳ.Мусаев, С.Воҳидов, А.Иброҳимов, А.Каримов, О.Бобожонов, Б.Хасанов, А.Усанов, О.Машарипов ва бошқалар ўз илмий асарларида муаммога қисман ёндашганлар.

Шуни таъкидлаш зарурки, республикамызда айни пайтгача номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва таҳлил қилиш муаммоларининг ечимини тадқиқ этишга бағишланган яхлит илмий иш бажарилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади. Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларда номоддий активларнинг ҳисоби ва молиявий таҳлилининг такомиллаштириш имконини берадиган, илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш тадқиқотнинг мақсадиридир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- номоддий активларга нисбатан иқтисодий адабиётларда берилган таърифларни қиёсий жиҳатдан танқидий ўрганиб, уларга илмий жиҳатдан асосланган янги мазмундаги таъриф бериш;
- номоддий активларни иқтисодий категория сифатида назарий ва услубий жиҳатдан комплекс тадқиқ этиш;
- номоддий активларни туркумлаш ва баҳолаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;
- номоддий активларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган патент ва “ноу-хау”ларнинг умумий ҳамда хусусий жиҳатларини аниқлаш, уларни устав капиталига ҳисса тариқасида қўшиш тартибини ишлаб чиқиш;
- тадқиқ этилаётган муаммога доир бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифларни киритиш;
- номоддий активларни ҳисобга олиб борувчи бухгалтерия ҳисобининг амалдаги сётлар режасига қўшимча янги субсчётларни киритиш бўйича таклифлар бериш;
- тармоқ корхоналари учун номоддий активларнинг дастлабки ва йиғма ҳужжатларини такомиллаштирилган намунавий шаклларини ишлаб чиқиш;
- номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг жадаллаштирилган усулидан фойдаланиб, уларнинг қийматини қоплаш тартибини илмий асослаш;

- гудвилл (фирма баҳоси)га амортизация ҳисоблашнинг корхона учун иқтисодий жиҳатдан асоссизлигини исботлаб бериш;

- молиявий ҳисоб ва ҳисоботларда номоддий активлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш бўйича тавсиялар бериш;

- тармоқ корхоналарида номоддий активларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва молиявий таҳлилнинг янги услубини тақлиф этиш;

- самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш натижасида номоддий активлардан олинadиган молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг такомиллашган кўрсаткичлари тизими ва уни ўтказишнинг янги услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацияда илмий янгиликларни ташкил этувчи энг муҳим ҳулосалар зуйидагилардан иборат:

- иқтисодий адабиётларда номоддий активларга берилган таърифлар қийёсий жиҳатдан танқидий ўрганилиб, уларга илмий жиҳатдан асосланган янги мазмундаги таъриф берилди;

- номоддий активлар иқтисодий категория сифатида илк бора назарий ва услубий жиҳатдан комплекс тадқиқ этилди;

- номоддий активларни халқаро тажрибага асосланган ҳолда туркумлаш ва уларни базолаш усуллари тақлиф қилинди;

- номоддий активларнинг муҳим таркибий қисми сифатида патент ва “ноу-хау”ларнинг умумий ҳамда хусусий жиҳатлари аниқланиб, уларни устав капиталига ҳисса тариқасида қўшиш тартиби ишлаб чиқилди;

- Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 7-сонли миллий стандарти «Номоддий активлар»ни такомиллаштириш бўйича илмий тақлифлар ишлаб чиқилди;

- бухгалтерия ҳисобининг амалдаги счётлар режасидаги номоддий активлар ҳисобини мукаммаллаштириш мақсадида қўшимча янги субсчётларни очиш тақлиф қилинди;

- тармоқ корхоналари учун номоддий активларнинг бошланғич ва йиғма ҳужжатларини такомиллаштирилган намунавий шакллари ишлаб чиқилди;

- номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг жадаллаштирилган усулидан фойдаланиб, уларнинг қийматини қоплаш тартиби тавсия этилди;

- гудвилл (фирма баҳоси)га амортизация ҳисоблашнинг корхона учун иқтисодий жиҳатдан асоссизлиги исботлаб берилди;

- молиявий ҳисоб ва ҳисоботда номоддий активлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш бўйича тавсиялар берилди;

- тармоқ корхоналарида номоддий активларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими аниқланди ва молиявий таҳлилнинг янги услуби тақлиф этилди;

- самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш натижасида номоддий активлардан олинadиган молиявий натижаларни таҳлил

қилишнинг такомиллашган кўрсаткичлари тизими ва уни ўтказишнинг янги услуби ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган назарий ва амалий тавсиялар ҳамда илмий хулосалардан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлилини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсада мувофиқдир. Ушбу ишланмаларни амалиётда қўллаш натижасида қуйидагиларга эришиш мумкин:

- тармоқ корхоналарида номоддий активларни илмий асосда тўғри баҳолаб, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бухгалтерия ҳисобининг бошқарувни ахборот билан таъминлаш имкониятларини янада кенгайтиради;

- номоддий активлар ҳисоби бўйича тавсия қилинган бошланғич ва йиғма ҳужжатларни амалиётга тадбиқ қилиш номоддий активларни ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини таъминлайди;

- номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг янги меъёрларини тадбиқ этиш натижасида номоддий активлар ҳисоби халқаро стандартлар талабларига мослашади;

- номоддий активларни молиявий таҳлил қилиш бўйича ишлаб чиқилган кўрсаткичлар тизими уларнинг таҳлилини самарали ташкил этишни таъминлайди;

- номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлилини такомиллаштиришга оид назарий қоидалар нафақат назария ва амалиёт учун, балки олий таълимнинг давлат таълим стандартларига асосан «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» йўналишидаги мутахассисликларга тегишли фанлар, шунингдек, махсус курсларда машғулотлар ўтказишда ижобий самара беради.

Тадқиқот натижаларини синоб ва муҳокамадан ўтказилганлиги. Илмий иш натижалари бўйича М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат Университетида (2001 йил), Тошкент молия институти ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва божхона органлари академиясида (2002 йил), Термиз Давлат Университетида (2003 йил) ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилинган ҳамда ижобий натижаalar олинган.

Шунингдек, диссертация иши натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар маркази буюртмасига биноан бажарилаётган «Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини (21-БҲМС) амалиётга қўллашнинг назарий ва методологик масалалари» мавзусидаги 2002-2005 йилларга мўлжалланган давлат гранти доирасидаги илмий-тадқиқот лойиҳасида ҳам фойдаланимоқда. Тошкент Молия институти ва Тошкент Давлат

Иқтисодийёт Университетида тадқиқотда берилган хулоса ва тақлифлар бакалавр ва магистрларни тайёрлаш борасида кенг қўлланилмоқда.

Диссертация натижалари Тошкент Давлат Аграр Университетида, Тошкент Давлат Иқтисодийёт Университетида ташкил этилган илмий семинарларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Банк-молия тизимини ривожлантириш тадқиқотлари маркази» қошидаги муаммовий Кенгаш семинарида музокамадан ўтказилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Нашр қилинган илмий ишлар. Тадқиқотнинг асосий натижалари 9та мақола ва тезисларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 1,4 босма табоқни ташкил этади. Ушбу нашр этилган илмий ишлар диссертациянинг мазмунига тўлиқ мос келади.

Илмий ишнинг тарқибий тузилиши. Тадқиқот иши мазмунан узвий боғлиқликда бўлган кириш, учта боб, хулоса, 11та жадал, 11та чизма, 140 номдаги адабиётлар ва 15та иловалардан иборат.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мамакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш жараёнида саноат ишлаб чиқаришининг муҳим тармоқларидан бири бўлган автомобилсозлик соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, республикада автомобилсозлик саноатининг ишлаб чиқариш даражаси ўтган 2002 йилга нисбатан 29,1 %га ўсган¹.

Республикада хорижий инвесторлар (Жанубий Корея, Туркия ва АҚШ) билан биргаликда автомобилсозлик корхоналари ташкил этилиб, улар томонидан 2003 йилгача 360 мингдан зиёд автомобил ишлаб чиқарилди².

«ЎЗДЭУавто» қўшма корхонасида 2003 йили 40 минг дона автомобил ишлаб чиқарилиб, бу ўтган йилга нисбатан 5,3 минг дона, 1996 йилга нисбатан эса 58 фойзга кўпроқ демакдир. Ўзбекистонда автомобилсозлик соҳасини барпо этиш учун 723 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар ўзлаштирилди³ (1-чизма).


Республикада автомобилсозликнинг ривожланиши ҳўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, автомобилсозлик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлилни халқаро стандартлар тамойилларига мувофиқлаштиришни долзарб вазифа қилиб қўяди. Бу вазифани муваффақиятли бажариш тармоқ корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг истиқболли объектларидан бири ҳисобланган номоддий

¹ «Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йулидан изчил бориш – асосий вазифамиз». Президент И.Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.-Т.: Халқ сўзи, 2004 йил 10-февраль.

² Манба: «Ўзав госаноат» ассоциациясининг маълумотлари

³ ўша манба

активлар ҳисоби ва молиявий таҳлилни ташкил этишга янгича ёндашишни талаб қилади.



1-чизма. «ЎздЭУавто» қўшма корхонасида автомобил ишлаб чиқариш динамикаси (минг дона).⁴

Номоддий активларнинг иқтисодий моҳиятини ёритишда иқтисодчи олимлар ўртасида турлича ёндашувлар мавжуд. Номоддий активлар борасида иқтисодчи олимларнинг ёндашувлари ва қонуний ҳужжатларда ифодаланган таърифларни қиёсий ўрганиш натижасида уларни учта асосий гуруҳга: хорижлик ва республикаимиз олимлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда берилган таърифларга бўлиш мумкин.

Шунингдек, номоддий активларнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришда халқаро бухгалтерлик ташкилотлари ва бу соҳада тадқиқотлар олиб борган иқтисодчи олимлар томонидан ишлаб чиқилган мезонларни танқидий нуқтаи-назардан ўрганиш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал).

Жадвалда келтирилган иқтисодчиларнинг қарашларини умумлаштирган ҳолда номоддий активларга қуйидагича таъриф берилди: «*Номоддий активлар моддий кўринишга эга бўлмаган, узоқ вақт давомида харажатларга қўшилиб боровчи, келажакда корхонага даромад келтирувчи, корхона активларининг маълум қисмини ташкил этадиган ва ҳуқуқий муносабатларни ўзида намоён этадиган активлардир*».

⁴ Манба: «Ўзавтосаноат» ассоциациясининг маълумотлари

Номоддий активларни тан олиш мезоналари

№	Мезоналарнинг номалари	Манбалари														
		Ўз.Р. Фурқатлик Кодовичи	БҲС	БҲМС-7	ПБу-14	АҚСРА	Б.Нидоз	С.Пулқова	И.Абдукаримов	Н.Жўраев	М.Тўлақўжасаб	А.Жўрачов	А.Пардаев	Б.Хасанов	А.Сонинболдиев	Ҳ.Мурсалев
1	Ҳуқуқий ҳимояланган мулк	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
2	Келгуси давр харажатлари		+	+					+				+		+	
3	Иқтисодий ресурс			+		+	+	+					+			
4	Келгусида даромад келтиради	+	+	+	+		+			+	+		+	+	+	
5	Моддий кўринишга эга бўлмаган мулк		+	+	+	+		+	+	+	+	+		+	+	+
6	Узоқ муддатли фойдаланиладиган мулк	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
7	Идентификацияланадиган актив		+		+								+			
8	Ишлаб чиқаришда фойдаланилади			+	+											+

Ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятида учрайдиган номоддий активларга қуйидаги активлар киритилади¹: патентлар, лицензия, муаллифлик ҳуқуқлари, компьютер дастурий таъминоти, мижозларнинг рўйхати, ноу-хаулар, франшиза, савдо маркалари, ташкилий харажатлар, гудвилл, селекция ютуқлари, товар белгилари, фирма белгиси (рамзи), ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари. Бизнинг фикримизча, номоддий активларни қуйидаги тартибда туркумлаш мақсадаги мувофиқдир (2-чизма).

Келтирилган чизма ҳўжалик юритувчи субъектларда номоддий активларни тўғри туркумлаш ва улар ҳисобини оқилона юритиш имконини беради.

Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, турли манбалардан келиб тушган номоддий активларнинг дастлабки қийматини илмий асосланган ҳолда аниқлаш ва узоқ муддатли активлар таркибига киритиш масалалари амалдаги меъерий ҳужжатлар ҳамда иқтисодий адабиётларда тўлиқ ўз ечимини толмаган. Ҳусусан, уларда номоддий активларни сотиб олиш харажатлари белгилаб берилган бўлсада, аммо, номоддий активларни субъектларнинг ўзида яратиш, устав капиталига ҳисса тарзида қўшиш, уларни ҳаё сифатида ҳамда бошқа активларга алмаштириш орқали қиримга олишнинг ягона тартиби ишлаб чиқилмаган.

¹ "Номоддий активлар", 7-сон БҲМС, 16-банд. ЎзР. Адлия вазирлиги, 20.10.1998. №506.



2-чизма. Номоддий активларнинг туркумлини

Фикримизча, номоддий активларнинг дастлабки (бошланғич) қиймати қуйидаги баҳолар асосида шаклланиши мумкин (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, номоддий активларнинг дастлабки қийматини аниқлашда шартнома баҳо, бозор баҳоси ва баланс баҳоларидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, сотиб олиш харажатлари давлат божлари ва йиғимлари, божхона тўловлари, солиқлар, ахборот бериш хизматлари ва бошқа харажатлардан иборат бўлиши мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, автомобилсозлик корхоналари ҳисоб сиёсатида номоддий активлар ҳисобини юритишдаги ўзига хос хусусиятларга алоҳида эътибор бериш зарур. Фикримизча, бу хусусиятларни ҳисобга олиш номоддий активларни бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида халқаро молиявий ҳисобот стандарт талабларидан келиб чиққан ҳолда акс эттиришни таъзо этади.

Олиб борилган тадқиқотлар 7-сонли «Номоддий активлар» номи бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг бандаларига қуйидаги қўшимчаларни киритишга имкон беради:

**Номоддий активларнинг ташкил этиш манбалари
бўйича дастлабки қийматини шаклланиши**

Дастлабки қийматни шакллантирувчи омиллар	Номоддий активларнинг шаклланиш манбалари				
	Устав капиталига ҳисса сифатида қўйиш	Харид қилиш	Корхона-нинг ўзида яратиш	Бошқа активларга алмаштириш	Грантлар асосида олиш
1	4	2	3	5	6
Номоддий активларнинг баҳоси:					
- шартнома баҳоси		+			
- бозор (жорий) баҳоси				+	+
- баланс баҳоси (қиймати)	+	+	+	+	+
Харид қилиш харажатлари;					
- давлат божлари ва йиғимлари (рўйхатдан ўтиш)	+	+		+	
- солиқлар	+	+		+	
- ижарага бериш харажатлари	+	+	+	+	+
- реклама харажатлари		+			
- бошқа харажатлар	+	+	+	+	

1. Номоддий активларни сотиб олиш харажатлари шартнома бўйича тўланган тўловлар, активларни сотиб олиш жараёнида кўрсатилган хизматлар учун тўловлар, рўйхатга олиш йиғимлари, божхона тўловлари, патент йиғимлари, воситачилар учун тўловлар, тақдирлаш харажатлари ҳамда активларни сотиб олиш бўйича бошқа харажатлардан иборат лозим.

2. Корхоналарнинг ўзида яратилган номоддий активлар кириш қилиш тартибини белгилаб бериш учун бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига «Номоддий активларни хўжалик субъектининг ўзида тайёрлаш» номи 22.1.-бандни киритиш ва унда қўйидаги харажатларни ҳисобга олиш зарур: номоддий активларни яратиш бўйича ходимларга тўланган тўловлар, бевосита материал харажатлари, кўрсатилган хизматлар учун тўловлар, рўйхатга олиш йиғимлари, патент учун тўловлар ҳ.к.

3. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига «Номоддий активларни устав капиталига қўйиш бўйича баҳосини аниқлаш» номи янги бандни киритиб, унда хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталига ўлуш сифатида қўйилган номоддий активларнинг қийматини аниқлаш тартибини белгилаб қўйиш зарур.

4. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартининг 22.2.-бандига қўшимча равишда корхоналарда бошқа активларга алмаштириш орқали кириш қилинган номоддий активларнинг қиймати ўша активларнинг кириш қиймати билан белгиланиши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилиши

зарур. Масалан, номоддий активлар акцияларга алмаштирилган бўлса, акцияларнинг ҳақиқий қиймати ёки бозор қиймати бўйича акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

5. Кредитга сотиб олинган номоддий активлар бўйича стандартда аниқ тушунчалар берилмаган. Бизнинг фикримизча, кредитга сотиб олинган номоддий активларни баҳолашда қарздорлик хужжатлари асосида келгусида тўлаш учун зарур бўлган пул тўловлари номоддий активларнинг фоиз ставкаси бўйича дисконтланган жорий қийматидан иборат бўлиши керак.

Номоддий активлар қандай манбалардан келиб тушишидан қатъий назар уларни албатта киримга олиш, амортизация ҳисоблаш ва белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш керак. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, амалдаги меъёрий хужжатлар ва иқтисодий адабиётларда бу масалаларга етарлича ёндашилмаган. Шу сабабли, номоддий активларни баҳолаб, уларни бухгалтерия балансиغا олишда қўлланиладиган хужжатлар ҳамда амортизацияни қайд этиб борувчи, балансдан асосланган ҳолда ҳисобдан чиқарилишини қайд этиб борувчи дастлабки ва йиғма хужжатларнинг намунавий шакллари ишлаб чиқиш лозим.

Илмий тадқиқот натижаларига асосланиб, автомобилсозлик корхоналарининг ҳисоб сиёсатида номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган. Ушбу тавсиялар асосида номоддий активлардан фойдаланишнинг дастлабки йилларида амортизация жадаллаштирилган усулда ажратилиб, маҳсулот таннархига ёки давр харажатларига олиб борилади. Хўжалик юритувчи субъектларда номоддий активлар бўйича ягона амортизация меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш зарурдир. (3-жадвал).

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики номоддий активлар алоҳида гуруҳларга ажратилиб, унда уларнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амортизациянинг янги меъёрлари ишлаб чиқилган. Масалан, 4та гуруҳ бўйича амортизация меъёрлари 5 фоиздан 20 фоизгача ташкил қилади. Бунда 5 гуруҳдаги номоддий активлардан фойдаланиш муддатлари чекланмайди, аммо корхонанинг ошмаган ҳолда юритилади.

Номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, улардан тўғри ва самарали фойдаланишни назорат қилиш мақсадида йиллик амортизация меъёрларини гуруҳларга ажратиб ҳисоблаш зарур. Фикримизча, номоддий активларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар (зарарлар)ни ҳам йиллик молиявий ҳисоботда акс эттириш лозим. Бунинг учун «Ҳусусий капитал тўғрисида»ги ҳисобот (5-шакл)га қўшимча равишда янги қаторни киритиш зарур.

Шунингдек, номоддий активлардан фойдаланишдан олинадиган ялпи даромаддаги улушни ҳисобга олиш учун амалдаги сўтлар режасига янги

9060-«Патент ва лицензиялар асосида сотишдан олинган даромадлар» счётини киритиш мақсадагу мувофиқдир.

3-жадвал

**Номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг
таклиф этилаётган янги меъёрлари***

№	Номоддий активлар турлари	Хизмат муддатлари (йил)	Хужжатнинг номи	Амортизация меъёрлари (фоиз)	Тўлов муддати
1	2	3	4	5	6
1	I. Гуруҳ: -ихтиролар ва селекция ютуқлари бўйича зуқуқлар	20	Патент	5	1 йилдан
2	II. Гуруҳ: -саноат намуналари -товар белгисидан фойдаланиш зуқуқи	10 10	Патент Гувоҳнома	10 10	1 йилдан 1 йилдан
3	III. Гуруҳ: -фойдали моделларга бўлган зуқуқлар -дастурий таъминот -ташкилий харажатлар	10 10 10	Гувоҳнома Гувоҳнома Гувоҳнома	10-20 йилгача 10-20 йилгача 10-20 йилгача	1 йилдан 1 йилдан 1 йилдан
4	IV. Гуруҳ: Бошқа номоддий активлар бўйича	5	-	20	-
5	V. Гуруҳ: -фирма номига эга бўлиш -ошкор этилмайдиган ахборот -савдо маркалари	Чекланмаган Чекланмаган Чекланмаган	Гувоҳнома Оғзаки баён -	Корхона фаолият давридан ошмаган -/- -/-	- - -

*Жадвал маълумотлари Ўбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига асосан тузилган.

Бундан ташқари, янги счётлар режасига 9221-«Патент ва лицензияларни сотилиши ва ҳисобдан чиқарилиши» счёти, шунингдек бу активларни сотилишини ҳисобга олиш мақсадида 9321-«Номоддий активларнинг сотилиши ва турли чиқимларидан олинган фойда» счётларини киритиш мақсадагу мувофиқдир.

Автомобилсозлик корхоналарида номоддий активлардан фойдаланишни доимий кузатиб боришнинг муҳим воситаси инвентаризация эканлигини инобатга олган ҳолда ушбу активларни бухгалтерия балансида тўғри ва ўз вақтида акс эттирилишини текшириш қуйидагича амалга оширилиши керак, деб ҳисоблаймиз:

- амалдаги мавжуд бўлган номоддий активлардан фойдаланиш зуқуқларини тасдиқловчи хужжат (патент, лицензия, маълумотнома)ларни тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш;

- уларни сақлаш қоидаларига риоя этилаётганлигини текшириш;

- амортизацияни ўз вақтида тўғри ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилинаётганлигини текшириш;

– номоддий активлардан фойдаланиш мuddатларига рию этилаётганлиги ва амортизацияни ҳисоблашни ўз вақтида яқунланганлигини текшириш;

– 0410-0490 «Номоддий активлар» счётларида ҳисобга олинган корхона маблағлари қийматининг тўғрилигини аниқлаш керак.

Олиб борилган тадқиқотлар автомобилсозлик корхоналаридаги мавжуд номоддий активларнинг ҳолати ва уларнинг рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишга имкон беради. Ушбу кўрсаткичлар ёрдамида номоддий активларнинг таҳлили ўтказилади. (4-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида номоддий активлар ҳисобот йилининг бошида 3103506 минг сўм бўлган бўлса йил охирида 4260001,4 минг сўмга тенг бўлган яъни ўсиш суръати 137,2 фоизга ёки 1156495,4 минг сўмни ташкил қилган.

Бунда номоддий активлар асосан, компьютер дастурлари, кадрларни ўқитиш ва «ноу-хау»лар шунингдек, ташкилий харажатлардан ташкил топган. Амалдаги бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида амортизация ҳисобланганда ҳисобот йили охиридаги амортизация қиймати 1152893,6 минг сўмга кўпайган. Натижада, унинг қолдиқ қиймати 100,2 фоизга тенг бўлган. Корхона номоддий активларининг жами активлар таркибидаги улуши 110,8 фоизга ортганлиги ижобий ҳодир. «СамКочАвто» қўшма корхонасида эса номоддий активлар ўтган ҳисобот йилига нисбатан 257439,5 минг сўмга ёки 136,4 фоизга ортган.

Корхона номоддий активларининг жами активларга нисбатан улуши ҳам +0,2 кўпайиб, 101,7 фоизни ташкил этган. Номоддий активлар ҳажмининг ўзгаришига уларни сотиб олиш қиймати; давлат гранти бўйича қабул қилинган номоддий активлар қиймати; бошқа активларга алмаштириш; устав капиталига ҳисса қўшиш; текинга (задя) олиш; субъектнинг ўзида тайёрлаш каби омиллар таъсир қилади.

Номоддий активлар Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодексининг 91-моддасига кўра мол-мулк солиғининг объекти ҳисобланади.

Солиқ олинадиган объектни аниқлашда номоддий активлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан фойдаланилади ва унда ҳисобот даврига бўлган номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисоб-китоб қилинади.

Номоддий активларнинг йиллик ўртача қолдиқ қиймати активларнинг давр бошига ва охирига бўлган қолдиқ қиймати ярмини уларнинг йилининг ойлари бўйича мавжуд ҳақиқий қийматига қўшиш ҳамда йиғиндисини 12 ойга бўлиш орқали топилади:

$$N_y = \frac{H_1 + H_2 + H_3 + \dots + H_{12}}{12} \quad (1)$$

бу ерда,

N_y - номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати;

H — номоддий активларнинг ойлари бўйича қиймати.

Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналарида 2002 йилда номоддий
активлар ҳолатини тавсифловчи молиявий кўрсаткичлар динамикаси*

(миңа сўм ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Фарқи (+/-)		Ўзгариши %	
		«УздЭУ авто»	«СамКоч Авто»	«УздЭУ авто»	«СамКоч Авто»	«УздЭУ авто»	«СамКоч Авто»	«УздЭУ авто»	«СамКоч Авто»
1	Номоддий активлар қиймати	3103506	705782,5	4260001,4	963222	+1156495,4	+257439,5	137,2	136,4
2	Номоддий активлар амортизацияси	806911,7	-	1958805,3	-	+1151893,6	-	242,7	-
3	Қолайқ қиймати	2296594,3	705782,5	2302096,1	963222	+5501,7	+257439,5	100,2	136,4
4	Жами активлар	81958200,1	5986552,7	103585605,5	8036670	+21627405	+2050117,3	115,6	134,2
5	Номоддий активларнинг жами активлардаги салМОИ	3,7	11,7	4,1	11,9	+0,4	+0,2	110,8	101,7
6	Номоддий активлар	260	-	459	-	+199	-	176,5	-

Мазкур формулани «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг маълумотлари асосида қуйидагича ҳисоблаш мумкин (*минг сўмда*):

$$N_{\dot{y}} = \frac{\frac{2296594,3}{2} + \frac{2302096,3}{2}}{12} = \frac{2299345,3}{12} = 191612,1$$

Фикримизча, келтирилган формула номоддий активлар учун мол-мулк солиғи базасини тўғри аниқлаш ва молиявий таҳлил манбаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар молиявий барқарорлигининг номоддий активлар билан боғлиқ кўрсаткичларини таҳлил қилиш зарур бўлиб, улар қуйидаги кўрсаткичлардан иборат:

1. *Номоддий активларнинг ҳолатини ифодаловчи мутлоқ кўрсаткичлар;*

- номоддий активларнинг умумий ҳажми ($НМ_ч$); номоддий активларнинг ўртача йиллик қиймати ($НМА_{\text{ўрт}}$); корхона активлари таркибида номоддий активларнинг салмоғи ($С_М$); номоддий активларнинг қопланиш коэффициентини ($Ж_к$).

2. *Самарадорлик кўрсаткичлари;*

- 1 сўмлик номоддий активга тўғри келадиган даромад суммаси ($Д_с$); 1 сўмлик номоддий активга тўғри келадиган фойда суммаси ($Ф_с$); номоддий активларнинг ҳисобот давридаги айланиш тезлиги ($А_т$).

Шундай қилиб, корхоналарда номоддий активлар ҳисоби ва молиявий таҳлилининг самарали ташкил этиш уларга бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг янги имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали рақобат муҳитида юқори устунликка эришиш ҳамда оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиш имкониятларини яратади.

3. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлилининг такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари қуйидаги хулосалар қилишга имкон беради:

1. Иқтисодий адабиётларда номоддий активларга берилган таърифлар қиёсий жиҳатдан танқидий ўрганилиб, уларга илмий жиҳатдан асосланган янги мазмундаги таъриф берилди. Бунда номоддий активлар борасида иқтисодчи олимларнинг ёндашувлари ва қонун ҳужжатларида ифодаланган таърифларни қиёсий ўрганиш натижасида улар учта асосий гуруҳга бўлинди.

2. Номоддий активлар иқтисодий категория сифатида илк бора назарий ва услубий жиҳатдан комплекс тадқиқ этилди. Унда номоддий активлар ҳисоби ва молиявий таҳлилининг ташкил этишнинг услубий асослари бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларидан келиб чиққан ҳолда атрафлича тадқиқ этилди.

3. Номоддий активларни халқаро тажрибага кўра туркумлаш ва уларни баҳолаш усуллари таклиф қилинди. Унга мувофиқ, номоддий активларни

қуйидагича туркумлаш мумкин: интеллектуал мулк объектлари, саноат мулки объектлари, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартдаги баҳолаш қоидалари ўрганилди.

Таъқиқотда номоддий активларнинг дастлабки қийматини аниқлашда амалдаги бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига маълум ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тавсия қилинди. Ушбу активларни корхонага келиб тушиш манбалари бўйича (тўловлар эвазига, ўзида ишлаб чиқиш, устав капиталига қўшиш, текинга олиш, бошқа активларга алмаштириш ва давлат гранти бўйича) баҳолаш қоидалари келтирилган.

4. Номоддий активларнинг муҳим таркибий қисми сифатида патент ва “ноу-хау”ларнинг умумий ҳамда хусусий жиҳатлари аниқланиб уларни устав капиталига ҳисса тариқасида қўшиш тартиби ишлаб чиқилди. Таъқиқотда патент ва «ноу-хау»ларнинг тармоқ корхоналари иқтисодиётидаги ўрни ёртилиб, уларни бухгалтерияда ҳисобга олиш ва молиявий таҳлилини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди.

5. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 7-сонли миллий стандарти «Номоддий активлар»ни такомиллаштириш бўйича илмий тақлифлар ишлаб чиқилди. Жумладан, харид қилинган номоддий активларнинг сотиб олиш харажатлари таркиби белгилаб берилди, шунингдек, мазкур стандартга «Номоддий активларни хўжалик субъектининг ўзида тайёрлаш», «Номоддий активларни устав капиталига қўшиш бўйича баҳосини аниқлаш» номи бандларни қўшиш, бошқа активларга алмаштириш орқали кирим қилинган номоддий активларнинг қийматини аниқлаш тартиби тавсия қилинди. Бухгалтерия ҳисоби «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номи 19-сонли миллий стандартнинг 30-бандида номоддий активлар инвентаризацияси ҳақида тўлиқ ахборотларнинг ёритилмаганлиги, бу борада «Номоддий активлар» миллий стандартига инвентаризация бандини киритилиши ва қўшимча равишда 49-бандни «Номоддий активлар инвентаризацияси» деб номлаш тавсия қилинди.

6. Счётлар режасига мувофиқ номоддий активларни ҳисобга олиш бўйича 9060 - «Патент ва лицензиялар асосида сотишдан олинган даромадлар» счёти, 9260 - «Патент ёки лицензиянинг сотилиши ва ҳисобдан чиқарилиши» счёти, 9321-«Номоддий активларни сотилиши ва турли чиқишдан олинган фойда» счётларини киритиш тақлиф этилди.

7. Номоддий активларни қабул қилиш, улардан фойдаланиш, амортизацияни ҳисоблаш ва ҳисобдан чиқариш бўйича уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бошланғич ва йиғма ҳужжатларнинг янги намунавий шакллари ишлаб чиқилди: «Номоддий активларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси», «Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси»; «Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш қайдномаси»; «Номоддий активлар муомаласини амалга ошириш комиссиясини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқ», «Номоддий активларни қабул қилиш комиссияси таркибини тузиш ҳақидаги буйруқ».

8. Номоддий активларнинг фойдали хизмат мuddатларидан келиб чиққан ҳолда уларга амортизация меъёрларини тадбиқ этиш бўйича янги меъёрларнинг тартиби тақлиф этилди. Унга кўра, номоддий активларга амортизация ҳисоблашни соддалаштириш мақсадида белгиланган меъёрлар 5 та гуруҳга ажратилиб, 5 фоиздан 20 фоизгача бўлган коэффицентларни қўллаш лозимлиги илмий асосланди.

9. Гудвилл (фирма баҳоси)га амортизация ҳисоблашнинг корхона учун иқтисодий жиҳатдан асосsizлиги исботлаб берилди. Чунки, гудвилл ноаниқ номоддий актив бўлиб, корхонанинг имиджи учун тўланадиган суммадир. Бунда гудвиллни ҳосил қилувчи харажатлар амортизация қилинмасдан бевосита харажатларни ҳисобга олувчи счетларга олиб борилиши заруриги таъкидланди.

10. Номоддий активларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш ва ундаги муаммолар бўйича амалдаги молиявий ҳисобот шакллариининг таркибига, хусусан, «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» (4-шакл), «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» (5-шакл)ларнинг моддаларига тегишли қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш кераклиги илмий асосланди ҳамда «Номоддий активлар ҳаракати тўғрисида»ги янги молиявий ҳисобот (3а-шакл)нинг намунавий шакли ишлаб чиқилди.

11. Автомобилсозлик корхоналарида номоддий активларнинг ҳолатини ифодаловчи номоддий активларнинг умумий ҳажми, ўртача йиллик қиймати, умумий активлардаги улуши каби кўрсаткичлар тизими аниқланди ва молиявий таҳлилниинг янги услуби тақлиф этилди.

12. Самарадорлик кўрсаткичлари яъни номоддий активларнинг даромадлилик даражаси, рентабеллик ва айланувчанликни ҳисоб-китоб қилиш натижасида номоддий активлардан олинadиган молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг такомиллашган кўрсаткичлари тизими ва уни ўтказишнинг янги услуби ишлаб чиқилди.

Тадқиқотида ишлаб чиқилган илмий янгиликлар, шакллангирилган хулоса ва тақлифлар ҳўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, автомобилсозлик корхоналарида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлилни янада такомиллашувига, шу билан бирга ушбу тармоқни иқтисодий жиҳатдан барқарорлашига олиб келади, деб ҳисоблаш мумкин.

4. ДИССЕРТАЦИЯ БЎЙИЧА НАШР ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ризаев Н.Қ. Учет нематериальных активов. //Ж. «Аспирант и соискатель». Москва, 2001 год, №3.-С.123-124.
2. Ризаев Н.Қ., Хасанов Б.А. Номоддий активларнинг фойдали хизмат мuddатлари. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2001 йил, №4-5 40-41 б.
3. Ризаев Н.Қ. Гудвиллини ҳисобга олиш. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2002 йил. №4. 52-53 б.
4. Ризаев Н.Қ. Бухгалтерия ҳисобининг объеклари ва субъеклари. «Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизми» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва Божхона органлари академияси. 2002 йил 15-16 октябр. 195-196 б.
5. Ризаев Н.Қ. Номоддий активлар ҳолатини таҳлил қилиш. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2002 йил. №7. 43-44 б.
6. Ризаев Н.Қ. Номоддий активларни ҳисобга олишдаги муаммолар. «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счётлар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент Молия Институтини, 2002 йил 15-16 март. 171-172 б.
7. Ризаев Н.Қ. Интеллектуал мулк объекларини бошқарув ҳисоби. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003 йил, №1-2. 18-19 б.
8. Ризаев Н.Қ. «Бухгалтерия ҳисобининг янги объектини уужжатлаштириш»./ / «Глобаллашув шароитида миллий иқтисодиёт ривожланиши муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Термиз Давлат Университети. 2003 йил 15-16 май. 205-206 б.
9. Ризаев Н.Қ, Пазилов Г. Номоддий активлар амортизацияси ҳисобини такомиллаштириш. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2004 йил. №1-2. 60-63 б.

Изланувчи:

N. R. I. E. V.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ризаев Нурбек Кадиловичнинг 08.00.08.-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» ихтисослиги бўйича «Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлилни такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Калитли сўзлар: патент, лицензия, ноу-хау, товар белгиси, савдо белгиси, гудвилл, франшиза, муаллифлик ҳуқуқи, дастурий таъминот, интеллектуал мулк, роялти, «пласт-кост», «паушал тўлов», ташкилий харажатлар, жадаллаштирилган амортизация усули.

Тадқиқот объекти: «Ўзавтосаноат» ассоциацияси ва унинг таркибига кирувчи «ЎзДЭУавто» ва «СамКочАвто» қўшма корхоналарининг молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари.

Ишнинг мақсади: Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларда номоддий активларнинг ҳисоби ва молиявий таҳлилни такомиллаштириш имконини берадиган, илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методи: тизимли-таркибий, функционал, қиёсий, гурулаш, таҳлил ва синтез.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: иқтисодий адабиётларда номоддий активларга берилган таърифлар қиёсий жиҳатдан танқидий ўрганилиб, уларга илмий жиҳатдан асосланган янги мазмундаги таъриф берилди; номоддий активлар иқтисодий категория сифатида илк бора назарий ва услубий жиҳатдан комплекс тадқиқ этилди; номоддий активларнинг муҳим таркибий қисми сифатида патент ва “ноу-хау”ларнинг умумий ҳамда хусусий жиҳатлари аниқланиб, уларни устав капиталига ҳисса тариқасида қўшиш тартиби ишлаб чиқилди; бухгалтерия ҳисобининг амалдаги счётлар режасидаги номоддий активлар ҳисобини мукаммаллаштириш мақсадида қўшимча янги субсчётларни очиш таклиф қилинди; номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг жадаллаштирилган усулидан фойдаланиб, уларнинг қийматини қоплаш тартиби тавсия этилди; гудвилл (фирма баҳоси)га амортизация ҳисоблашнинг корхона учун иқтисодий жиҳатдан асоссизлиги исботлаб берилди; молиявий ҳисоб ва ҳисоботларда номоддий активлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш бўйича тавсиялар берилди; корхоналарда номоддий активларнинг ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш натижасида номоддий активлардан олинадиган молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг такомиллашган кўрсаткичлари тизими ва уни ўтказишнинг янги услуби ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: хўжалик юритувчи субъектлардаги номоддий активлар ҳисобини юритиш ва молиявий таҳлилни такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини бажариш ҳамда ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:

Тармоқ корхоналарида номоддий активларни ҳисобга олиш, уларни туркумлаш ва баҳолаш, амортизация ҳисоблаш, молиявий таҳлил қилиш усуларини такомиллаштириш ҳамда мазкур соҳа бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш борасида қўллаш учун қабул қилинган.

Қўлланиш соҳаси: Диссертациядаги маълумотлардан тармоқ корхоналарида намунавий дастур сифатида ҳамда иқтисодийёт йўналишидаги олий ўқув юртиларида «Молиявий ҳисоб» ва «Молиявий таҳлил» фанларини ўқитиш жараёнида ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Р Е З Ю М Е

Диссертация Ризаева Нурбека Кадиновича на тему «Совершенствование бухгалтерский учет и финансового анализа нематериальных активов» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.08 «Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит».

Ключевые слова: Патент, лицензия, нау-хау, товарный знак, торговая марка, гудвилл, франчайз, авторское право, программное обеспечение, роялти, «пласт-кост», «паушальные платежа», организационные расходы, ускоренный метод амортизации.

Объекты исследования: Сведения финансового учета и отчета компании «Узавтосаноат» и входивший в ее состав «УзДЭУавто» и «СамКочАвто».

Цель работы: исследовать учет и анализ нематериальных активов и разработать рекомендации в отношении усовершенствования.

Метод исследования: системный, структурный, функциональный, сравнительный, группировка, индукция и дедукция, анализ и синтез.

Полученные результаты и их новизна: были научно основаны правила порядка группировки и оценки нематериальных активов; разработаны образцы первичных документов по документации оборотов нематериальных активов; выданы научно основанные рекомендации по отражению сведений нематериальных активов финансовых расчетов и отчетов автостроительных предприятий; определены общие направления положений нематериальных активов и связка показателей эффективности и методы анализа.

Практическая значимость: Научное заключение и практическое предложение, содержащиеся в диссертации, могут быть использованы в разработке нормативных и методических документов, связанных с усовершенствованием и стимулированием учета и анализа нематериальных активов в автомобильных строительных предприятиях.

Степень внедрения и экономическая эффективность: методы расчёта нематериальных активов в автомобильных строительных предприятиях, исчисление амортизации и анализ проверялись в автомобильных строительных компаниях и однородных предприятиях и получены положительные рецензии.

Область применения: данные диссертации можно использовать в автомобильных строительных предприятия, и в других отраслях экономики. А также становится важной основой для высших учебных заведений по экономическим специальностям по изучение практические и теоретические основы «Финансового учета» и «Финансового анализа».

RESUME of

Rizaev Nurbek Kodirovich's dissertation on subject «The improvement of accounting and financial analysis of the intangible assets» to take an academic degree of the candidate of economic sciences on speciality «Accounting, economic analysis and audit» - 08.00.08.

Key words: Patent, license, know-how, brand, good will, franchise, the rights for the usage of land and water, authority rights, royalty, paychal payment, quickly amortization.

The objects of the research: The data of financial reports of «Uzautosanoat» company and «UzDaewooauto» and «SamKochauto» joint-ventures which included to the former.

The purpose of the research: To investigate accounting and analysis of the fictitious assets in the auto-building enterprises of the republic, and to cultivate recommendations for the improvement of such assets.

Method of the research: In the dissertation work within the origins and the development of economic relations there were used methods of statistical data analyses by system analysis, methods of comparison and methods of processing of financial accounts and reports.

The results achieved and their novelty: Rules of the order of classification and the estimation of the fictitious assets were based; samples of initial documents on documentation of the fictitious assets circulation were elaborated; scientifically based recommendations were given on showing the information on the fictitious assets of financial calculations and reports in the automobile-building enterprises; general directions of conditions of the fictitious assets and correlation of efficiency indicators and methods of analysis were determined.

Practical value: Scientific conclusion and practical suggestions provided in the dissertation can be used to make methodical documents which connected with the improvement of accounting and analysis of the fictitious assets in the auto-building enterprises.

Degree of implementation and economic efficiency: There were experienced methods of calculation of the fictitious assets, methods of depreciation and methods of analysis in the auto-producing enterprises of the Republic and were obtained positive reviews.

Sphere of usage: Research's data is available for using them in the auto-building enterprises and also in the other spheres of economy. This will be the basis for the students of the economic specialties in studying the practical and theoretical bases of financial accounting and analysis.

Босишга рухсат этилди	27.08.04
Қоғоз бичими	30x42
Ҳисоб-нашр табоғи	1,1 б.т.
Адади	100
Буюртма	11

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография
усулида чоп этилди.

700084, Тошкент, Ҳ. Асомов кўчаси 7-уй